


ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти қурилиш-пудрат ишлар умумий ҳажми


2018 йил январ-июн учун

2018 йилнинг январ-июн ойи давомида Тошкент вилоятида бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 920,7 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва мос равишда ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 106,2 фоизни ташкил этди.




Тошкент вилоятида январ-июн ойлари давомида бажарилган қурилиш пудрат ишлар ҳажмининг ўсиш суръати бўйича Республикада 8-ўринни эгаллади.

Вилоят бўйича туман ва шаҳарлар кесимида Зангиота туманида 123,6 млрд. сўмлик, Олмалиқ шаҳарда 108,2 млрд. сўмлик, Юқоричирчиқ туманида 89,1 млрд. сўмлик, Бекобод шаҳарда 61,6 млрд. сўмлик, Қибрай туманида 57,7 млрд сўмлик қурилиш ва пудрат ишлари амалга оширилиб энг яхши кўрсаткичларга эришилди.




Вилоят бўйича туман ва шаҳарлар кесимида ўтган йилга нисбатан ўсиш бўйича энг яхши кўрсаткичларга Олмалиқ шаҳар 253,2 фоизга, Чирчиқ шаҳар 119,7 фоизга, Зангиота тумани 119,3 фоизга, Қуйичрчиқ тумани 115,3 фоизга, Тошкент тумани 109,2 фоизга эришди.

Худудлар кесимида қурилиш пудрат ишлар ҳажми 2018 йил январ-июн учун




Қурилиш пудрат ишлар ҳажми секторлар бўйича




1. Йирик корхоналар томонидан;

Тошкент вилоятида январь-июн ойи давомида йирик қурилиш пудратчи корхоналар томонидан 198,9 млрд.сўмлик қурилиш-пудрат ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 137,4 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 21,6 фоизни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдики йирик қурилиш корхоналар томонидан қурилиш ишлар ҳажмини ўтган йилга нисбатан 37,4 пунктга кўпайиши вилоятнинг умумий қурилиш ишлар ҳажмида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди.




2. Кичик корхона ва микрофирмалар бўйича;

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмаларда ўтказилган мониторинг кузатув натижаларига кўра улар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми 2018 йил январь-июнь ойларида 398 млрд.сўмга яқин миқдорида баҳоланди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 104,0 фоизни жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 43.2 фоизни ташкил этди.



3. Қурилиш пудрат ишлар ҳажми жами норасмий сектор бўйича:

2018 йилнинг январ-июн ойлари давомида жисмоний шахслар томонидан бажарилган қурилиш пудрат ишлари ҳажми 322.8 млрд.сўм миқдорида баҳоланди ва ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 95,1 фоизни, жами қурилиш-пудрат ишлар ҳажмидаги улуши 35,1 фоизни ташкил этди.



■ Норасмий сектор томонидан бажарилган жами ҳажм ■ Умумий иш ҳажмидаги улуши

*Инвестиция ва қурилиш
статистика бўлими*